



Куръон ёдламокчи бўлган инсон биринчи навбатда зехни (ёдлаш қобилияти), хифзи (эсда саклаб қолиши) ва кун тартиби (бир кунда қанча вақтни Куръон ёдлашга ажрата олиши)га қараб, ўзига қолай режа тузиб олиши қерак бўлади. Бунда кунлик вазифа, маълум бир кунларда ёдлаб ўтилган дарсларнинг такрори ва албатта, йиллик режа бўлиши шарт. Агар талаба ўзига мос услубларни танлаб, унга оғишмай амал қилиб бурса, бу унга Қаломуллохни ёдлашдаги муваффақиятлар қалити бўлиб хизмат қилади.

Куръон ёдлаш усуллари, асосан, икки турга: арабий ва ажамийга бўлинади. Яъни араб тилида сўзлашадиганлар услуби ва бошқа тилда сўзлашадиганлар услуби.

Эътиборингизга Куръон ёдлашнинг ажамий услубини тақдим этамиз.

Бу услуб, асосан, қаторлаб (қаторларга бўлиб) ёдлашдан иборат бўлса-да, кундалик вазифа ва режаларнинг кўриниши эътиборидан арабий услубдан тубдан фарқ қилади. Биз ўрганадиган ажамий услубда талабанинг ёдлаш қобилияти (зехни), эсда саклаб қолиши, кунлик тартиби ва шу билан бирга, албатта, санокка қатта аҳамият берилади.

Куръон сураларини ёдлашга қиришган талаба аввал арабий услубда, яъни суранинг биринчи оятини юз мартаба (бу санок талабанинг ёдлаш қобилиятига қараб қўп ёки кам бўлиши мумкин), иккинчи ва учинчи оятларини ҳам юз мартадан такрорлайди. Уч оят ёдлангач, уларни қўшиб, яна юз марта ўқийди. Шу услубда сурани охиригача ёдлаб чиқади. Сура ёд олингач, яна сурани бошидан охиригача юз мартаба такрорлайди.

Ёдлаш кобилияти ўртача бўлган талабанинг саноги юз марта бўлиши тавсия қилинади. Агар ёд олувчи биринчи оятни ўн беш ёки йигирма мартаба ўқиб ёдласа, колган оятларнинг ҳам саноғини шунга етказиши мақсадга мувофиқ.

Ёд олувчи катта хажмли сураларни ёдлашга келганда ҳар бир оятни юз мартаба эмас, балки ҳар бир уч каторни юз марта ўқийди. Бақара сурасидан бошлаб ёдланганда эса беш катордан белгиланади. Масалан, бир бетни беш катордан уч қисмга бўлиб, уларнинг ҳар беш каторини юз мартабадан такрорлайди. Агар шунда ҳам ўзлаштириш қийин келиб, пухта ёдланмаса, у ҳолда бир бетни иккига бўлиб, ҳар иккисини ҳам юз мартадан ўқийди. Сўнг ўша бетни бошидан охиригача яна юз мартаба такрорлайди. Албатта, санок ёд олувчининг имконияти ва ёдлаш кобилиятига қараб белгиланади.

Бетни бошидан охиригача бўлмасдан ўқиш

Маълумки, баъзан ўқувчи оятни ёддан билса ҳам, уни кейинги оятга қўшиб ўқиёлмаслиги мумкин. Шу ҳолатни бартараф қилиш учун Куръонни ёд олишга қўникма ҳосил қилган талаба бетни бошидан охиригача бўлмасдан ёдлаши мақсадга мувофиқ. Чунки оятларнинг ёд бўлиши учун керак бўлган маълум миқдордаги санок уларни қўшиб ёдлаганда ҳам лозим бўлади.

Порани жамлаб бориш

Ёд олувчи Куръон ёдлаш баробарида уни такрорлаб туриши ҳам лозим бўлади. Бу эса ҳар бир пора тугаганда амалга оширилади. Яъни бир ёки икки бетдан ёдлаб порани тамомлаган талаба ўша порани тўрт қисмга бўлиб, беш бет (бир рубъ)дан такрор қилади. Беш бетдан такрор қилиб бўлгач, порани жамлаб устозга ўқиб беради. Бу услубдаги такрор ҳар бир пора тугаб, Куръонни тўлиқ ёд олгунча давом этади.

Куръони Каримни бир марта ёд олгач, уни такрор қилиш ва жамлаш

Куръон тўлиқ ёд олингач, унинг такрорига киришилади. Такрор талабанинг зехни ва эсда сақлаб қолиш кобилиятига қараб белгиланади. Талабанинг зехни қанчалик паст

бўлмасин, такрор уч бетдан кам бўлмаслиги шарт. Кўпи эса бир порадир.

Ёд олувчи кунига бир порадан ўкиб бериш кувватига эга бўлганда хар куни бир поранинг саногини ўттизтага етказиши талаб килинади. Бу санок (яъни хар куни бир порани ўттизтадан ўкиш, бу хар куни Куръонни хатм килиш дегани) талабага кийинчилик тугдирмаслиги табиий холдир. Сабаби, юкорида айтиб ўтилганидек, ёд олувчи Куръонни ёдлаш жараёнида кунлик сабогининг саногини ўттиз порага етказиш кўникмасини хосил килган бўлади.

Тошкент Ислон институти

«Тахфизул-Куръон» кафедраси мудир

Жалолиддин Хамрокулов